



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI UZUN TUMANI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Uzun tumani, O'zbekiston ko'chasi 7-uy. 191100, tel.: (+99876) 44-73-545, uzun.t@exat.uz

20 21yil “20” yanvar

К-36 -son

Uzun sh.

**Туманинг Ж.Пирназаров СИУ массивидаги туман заҳира ер фондидан фуқаро Баҳодиржонова Ҳилола Баҳром қизига боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этиш учун 5,0 гектар ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 23-моддаларига асосан, туман ҳокимлиги қошидаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 30 июндаги 131-сонли йигилиш баёни ҳамда фуқаро Ҳ.Баҳодиржонованинг аризасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конуннинг 6-моддасига асосланиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН**

1. Ж.Пирназаров номли СИУ массивида боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалигини ташкил этиш учун ўтказилган танлов натижаси бўйича туман ҳокимлиги қошидаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 30 июндаги 131-сонли йигилиш баёни тасдиқлансин.

2. Танлов ғолиби Баҳодиржонова Ҳилола Баҳром қизига фермер хўжалиги ташкил этиб, фаолият кўрсатиши учун Ж.Пирназаров массиви ер харитасининг 68қ, 69қ-дала контурларидан жами 5,0 гектар, шундан 5,0 гектар боғзор ер майдони 31 (ўттиз бир) йил муддатга ижарага берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Н.Қорақулев)га янги ташкил этилаётган фермер хўжалигига ер участкаларини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини расмийлаштириш ва туман ер ҳисботига ўзgartиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Янги ташкил этилаётган фермер хўжалиги бошлиғи (Ҳ.Баҳодиржонова)га 10 кун муддат ичida туман Давлат солиқ инспекцияси,

туман Статистика бўлими ва Давлат хизматлари маркази Узун туман бўлимидан рўйхатдан ўтиш ҳамда тегишли хужжатларни расмийлаштириш топширилсин.

5. Мазкур қарор нусхаси туман Давлат солиқ инспекцияси, туман Статистика бўлими ва Давлат хизматлари маркази туман бўлимига маълумот учун юборилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Н.Мажидов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Б.Турсунов

